



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 25 » avgust

№ 474

Toshkent sh.

### **Кон-металлургия саноати соҳасида экологик талабларни ва атроф муҳит муҳофазаси меъёрларини халқаро стандартлар асосида белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони ижросини сўзсиз таъминлаш ҳамда кон-металлургия саноати соҳасида экологик талабларни ва атроф муҳит муҳофазаси меъёрларини халқаро стандартлар асосида белгилаш, атроф муҳитга чиқариладиган ифлослантирувчи моддалар экологик талаблар доирасидан ошмаслигини тизимли назорат қилиш, шунингдек, кон-металлургия саноати корхоналарида илғор хориж тажрибаси асосида экологик менежмент тизимини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 76-бандида **Кон-металлургия саноати соҳасида экологик талабларни ва атроф муҳит муҳофазаси меъёрларини халқаро стандартлар асосида белгилаш дастурини** ишлаб чиқиш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг кон-металлургия саноати корхоналарида экологик талабларни ва атроф муҳит муҳофазаси меъёрларини халқаро стандартлар асосида белгилашнинг асосий йўналишлари тўғрисида қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

кон-металлургия саноатида экологик талабларни ва атроф муҳит муҳофазаси меъёрларни халқаро “яшил иқтисодиёт” мақсадларига эришиш индекси асосида (Global Green Growth Index, GGGI) жаҳондаги ўнта энг яхши мамлакат даражасига етказиш;

кон-металлургия саноати корхоналарида кам чиқитли ва ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий этиш, табиатни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурсларни қайта тиклашда самара берувчи фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

кон-металлургия саноати корхоналарида халқаро стандартлар асосида босқичма-босқич шаффоф ва самарали экологик менежмент тизимини жорий этишга қаратилган энг мақбул тартибга солиш сиёсатини юритиш.

**3. Кон-металлургия саноати соҳасида экологик талабларни ва атроф муҳит муҳофазаси меъёрларини халқаро стандартлар асосида белгилаш дастури** (кейинги ўринларда – Дастур) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Дастурда белгиланган чора-тадбирлар сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида:

кон-металлургия саноати корхоналари томонидан Дастурда белгиланган экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш ишларини мувофиқлаштирсин;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Саноат ҳавфсизлиги давлат қўмитаси билан биргаликда **уч ой муддатда** кон-металлургия саноатида маҳсулотлар (товарлар) ишлаб чиқариш бўйича замонавий илм-фан ва техник ютуқлар ҳамда уларни қўллашнинг техник имкониятлари мавжуд бўлиши шарти билан атроф муҳитни муҳофаза қилиш мақсадларига эришишда энг яхши мақбул технологияларнинг тавсия этиладиган базасини яратсин;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда **2022 йил 1 декабрга** қадар иқтисодиёт тармоқларида, шу жумладан, кон-металлургия саноати корхоналарида атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни чиқаришни камайтириш ёки атроф муҳит шароитини яхшилаш эвазига атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни чиқаришнинг баланслашган тизимини жорий этиш ҳақидаги таклифни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. “Навоий КМК”, “Олмалик КМК” ва “Ўзметкомбинат” акциядорлик жамиятлари **2023 йил 1 июлга** қадар экологик талабларни ва атроф муҳит муҳофазаси меъёрларини халқаро стандартлар асосида белгилаш билан боғлиқ фаолиятни ташкил этиш учун қуйидаги устувор вазифалар амалга оширилишини таъминласин:

Глобал ташаббускорлик ҳисоботи (Global Reporting Initiative, GRI) ҳамда Атроф муҳит, ижтимоий ва бошқарув (Environmental Social Governance, ESG) тартиби асосида атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ерлар ифлосланиши ва деградациясининг олдини олиш, сув ресурсларини тежаш, атмосфера ҳавосига чиқариладиган ифлослантирувчи моддалар миқдорини камайтириш бўйича узоқ муддатли экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш;

корхоналар фаолиятида, шу жумладан, ишлаб чиқариш фаолиятида экологик менежмент тизимини экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг халқаро стандартлари асосида жорий этиш;

“яшил маҳсулот” ишлаб чиқаришни кенгайтириш;

тадқиқотлар, ҳамкорлик келишувлари ва инновацион ечимлар орқали биохилма-хилликка салбий таъсирнинг олдини олиш ва камайтириш;

иш жойларида экологик билим бўйича масъулиятни ўз зиммасига олиш маданиятини шакллантириш ва қўллаб-қувватлаш;

казиб олиш ишлари олиб бориладиган конларда (майдонларда) босқичма-босқич технологик ва биологик рекультивация чоратадбирларини ўтказиш ҳамда қабул қилиб олувчи манфаатларини ҳисобга олган ҳолда конларни ёпиш ишлари режасини доимий янгилаб бориш;

атроф муҳит билан боғлиқ фавқулодда ҳолатлар юз берганда ишчи-ходимлар хавфсизлигини таъминловчи барча ресурслар билан таъминлаш;

саноат чиқиндилари ва уларни синфига қараб сақлашни хавфсиз ва масъулиятли бошқариш;

сувни тежаш мақсадида айланма сувлардан кенг фойдаланиш ишларини жадаллаштириш ва у билан боғлиқ муҳим самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;

атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни чиқаришни кескин камайтиришга эришиш.

**6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги уч ой муддатда:**

Энергетика вазирлиги, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда кон-металлургия саноати корхоналарида “яшил энергетика” тамойилини энг яхши халқаро тажриба асосида жорий этиш ҳақидаги таклифни;

Молия вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда кон-металлургия саноати корхоналарида кам чиқитли ва ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий этиш, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурсларни қайта тиклашда самара берувчи фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳақидаги таклифни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**7. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиради.**

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Геология, энергетика, саноат ва унинг базавий тармоқларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси – Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси Б.Ф. Исламов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “ 25 ” августдаги 474-сон қарорига  
илова

**Кон-металлургия саноати соҳасида экологик талабларни ва атроф муҳит муҳофазаси  
меъёрларини халқаро стандартлар асосида белгилаш  
ДАСТУРИ**

Т/р	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиявий манбаи	Масъул ижрочилар
<b>I. Атроф муҳитга чиқариладиган ифлослантирувчи моддалар экологик талаблар доирасидан ошмаслигини таъминлаш</b>					
1.	Иқтисодиёт тармоқларида, шу жумладан, кон-металлургия саноатида маҳсулотлар (товарлар) ишлаб чиқариш бўйича замонавий илм-фан ва техник ютуқлар ҳамда уларни қўллашнинг техник имкониятлари мавжуд бўлиши шarti билан атроф муҳитни муҳофаза қилиш мақсадларига эришишда энг яхши қулай технологияларнинг тавсия этиладиган базасини яратиш.	<p>1. Дастлабки босқичда кон-металлургия саноатида, кейинги босқичларда бошқа иқтисодий тармоқларда тавсия этиладиган базаларни яратиш графигини тасдиқлаш.</p> <p>2. Кон-металлургия саноатида маҳсулотлар (товарлар) ишлаб чиқариш бўйича замонавий илм-фан ва техник ютуқлар ҳамда уларни қўллашнинг техник имкониятлари мавжуд бўлиши шarti билан атроф муҳитни муҳофаза қилиш мақсадларига эришишда энг яхши мақбул технологияларнинг тавсия этиладиган базасини яратиш.</p> <p>3. Бошқа иқтисодиёт тармоқларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадларига эришишда энг яхши мақбул технологияларнинг тавсия этиладиган базасини яратиш.</p>	2022 йил ноябрь  2022 йил декабрь  2023 йил март	Талаб этилмайди	Давлат экология қўмитаси (Обломуратов), Иқтисодий тараққиёт вазирлиги (Норкулов)

Т/р	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиявий манбаи	Масъул ижрочилар
2.	<p>Иқтисодиёт тармоқларида, шу жумладан, кон-металлургия саноати корхоналарида газ чиқитларини камайтириш ёки атроф муҳит шароитини яхшилаш эвазига газ чиқитлари чиқарилишининг баланслашган тизимини ишлаб чиқиш.</p>	<p>1. Атмосфера ҳавосига чиқариладиган ифлослантирувчи моддаларни камайтириш ёки атроф муҳит шароитини яхшилаш эвазига атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқарилишининг баланслашган тизимини ишлаб чиқиш бўйича энг яхши хорижий тажрибани ўрганиш.</p> <p>2. Атмосфера ҳавосига чиқариладиган ифлослантирувчи моддаларни камайтириш ёки атроф муҳит шароитини яхшилаш эвазига атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқарилишининг баланслашган тизимини ишлаб чиқиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2022 йил ноябрь</p> <p>2022 йил декабрь</p>	<p>Талаб этилмайди</p>	<p>Давлат экология кўмитаси (Обломуратов)</p>
3.	<p>Глобал ташаббускорлик ҳисоботи (GRI), Атроф муҳит, ижтимоий ва бошқарув (Environmental Social Governance - ESG) тартибига асосан атроф муҳитни муҳофаза қилиш сиёсатини ишлаб чиқиш ва экологик менежмент тизимини жорий этиш.</p>	<p>1. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ерлар ифлосланиши ва деградациясининг олдини олиш, сув ресурсларини тежаш, атмосфера ҳавосига чиқариладиган ифлослантирувчи моддалар миқдорини камайтириш бўйича узоқ муддатли экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш сиёсатини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Кон-металлургия саноатида йирик корхоналар “яшил энергетика”ни қўллашнинг жаҳоннинг ТОП-10 компаниялари даражасига етказиш бўйича энг яхши халқаро тажрибани ўрганган ҳолда таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2023 йил март</p> <p>2023 йил июнь</p>		<p>Давлат экология кўмитаси (Обломуратов) Иқтисодий тараққиёт вазирлиги (Норқулов)</p> <p>Иқтисодий тараққиёт вазирлиги (Норқулов) Давлат экология кўмитаси (Обломуратов) Энергетика вазирлиги (Ахмедхаджаев)</p>

Т/р	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиявий манбаи	Масъул ижрочилар
4.	<p>“Олмалик КМК” акциядорлик жамиятининг Мис эритиш заводига атроф муҳитга таъсир хавфи юқори бўлган атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалардан автоматлаштирилган тарзда намуналар олиш ва таҳлил қилиш станциясини ўрнатиш.</p>	<p>1. Атмосферага салбий таъсир этувчи ва ифлослантирувчи асосий манбаларни ва устувор ифлослантирувчи моддаларни аниқлаш.</p> <p>2. Аниқланган асосий манбалардан автоматлаштирилган тарзда намуналар олиш ва таҳлил қилиш станциясини ўрнатишнинг техник шартини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Атроф муҳитга ифлослантирувчи моддалар ташламалари манбаларини автоматик назорат қилиш тизимлари учун умумий ва техник талабларни ўз ичига олган давлат стандарти ва ўлчашларни амалга ошириш методикаларини ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Автоматлаштирилган тарзда намуналар олиш ва таҳлил қилиш станциясини етказиб берувчи ва ўрнатувчи ташкилотларга таклифларни юбориш ҳамда белгиланган тартибда танлов ўтказиш.</p> <p>5. Атроф муҳитга таъсир хавфи юқори бўлган атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи асосий манбалардан</p>	<p>2022 йил ноябрь</p> <p>2022 йил декабрь</p> <p>Амалдаги танлов ўтказиш тартибига мувофиқ</p> <p>Тармоқ жадвалига асосан</p>	<p>Талаб этилмайди</p> <p>Техник-иқтисодий асослашга асосан (корхонанинг ўз маблағлари), халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг грантлари, ҳомийлик хайриялари, Давлат экология кўмитасининг жамғармаси маблағлари ҳисса кўшиш асосида</p> <p>Талаб этилмайди</p> <p>Техник-иқтисодий асослашга асосан</p>	<p>“Олмалик КМК” АЖ (Хурсанов), Давлат экология кўмитаси (Обломуратов)</p> <p>“Олмалик КМК” АЖ (Хурсанов), Давлат экология кўмитаси (Обломуратов)</p> <p>Давлат экология кўмитаси (Обломуратов)</p> <p>“Олмалик КМК” АЖ (Хурсанов),</p>

Т/р	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиявий манбаи	Масъул ижрочилар
		<p>автоматлаштирилган тарзда намуналар олиш ва таҳлил қилиш станциясини ўрнатиш.</p> <p>6. Атроф муҳитга таъсир хавфи юқори бўлган атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи асосий манбалардан автоматлаштирилган тарзда намуналар олиш ва таҳлил қилиш станциясини ишга тушириш ҳамда ягона геоахборот маълумотлар базасига интеграция қилиш.</p>	Тармоқ жадвалига асосан	<p>(корхонанинг ўз маблағлари), халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг грантлари, ҳомийлик хайриялари, Давлат экология кўмитасининг жамғармаси маблағлари ҳисса қўшиш асосида</p> <p>Техник-иқтисодий асослашга асосан (корхонанинг ўз маблағлари), халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг грантлари, ҳомийлик хайриялари, Давлат экология кўмитасининг жамғармаси маблағлари ҳисса қўшиш асосида</p>	<p>Давлат экология кўмитаси (Обломуратов)</p> <p>“Олмалиқ КМК” АЖ (Хурсанов), Давлат экология кўмитаси (Обломуратов)</p>



Т/р	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиявий манбаи	Масъул ижрочилар
5.	<p>Кон-металлургия корхоналари томонидан атмосферага ташланаётган олтингугурт оксидини табиий бирикмалар асосида хемосорбцион усулида ушлаб келгусида иқтисодиёт тармоклари истеъмоли учун зарур бўлган моддалар синтези, яъни алюминий сульфат ва темир сульфат аралашмаси ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш.</p>	<p>1. Атмосферага ташланаётган олтингугурт оксидини хемосорбцион усулида ушлаб қолиш ва алюминий сульфат ва темир сульфат аралашмасини синтез қилиш технологияси асосида ажратиб олишни кон-металлургия корхоналарида жорий этиш имкониятларини ўрганиб чиқиш.</p> <p>2. Ўрганиш натижаларига кўра тажриба тарзида амалга ошириладиган лойиҳа бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p> <p>3. Атмосферага ташланаётган олтингугурт оксидини хемосорбцион усулида ушлаб қолиш ва алюминий сульфат ва темир сульфат аралашмасини синтез қилиш технологияси асосида ажратиб олишни кон-</p>	<p>2022 йил октябрь</p> <p>2022 йил ноябрь</p> <p>2024-2028 йилларда</p>	<p>Талаб этилмайди</p> <p>Халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг грантлари, хомийлик хайриялари, Давлат экология кўмитасининг жамғармаси маблағлари</p> <p>Техник-иқтисодий асослашга асосан (корхоналарнинг ўз маблағлари)</p>	<p>Давлат экология кўмитаси (Обломуратов), Иқтисодий тараққиёт вазирлиги (Норкулов), “Навоий КМК” АЖ (Санакулов), “Навоийуран” ДК (Хасанов), “Олмалиқ КМК” АЖ (Хурсанов), “Ўзметкомбинат” АЖ (Пирматов)</p> <p>Иқтисодий тараққиёт вазирлиги (Норкулов), Давлат экология кўмитаси (Обломуратов)</p> <p>“Навоий КМК” АЖ (Санакулов), “Навоийуран” ДК (Хасанов), “Олмалиқ КМК” АЖ</p>

Т/р	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиявий манбаи	Масъул ижрочилар
		металлургия корхоналарида босқичма-босқич жорий этиш.			(Хурсанов), “Ўзметкомбинат” АЖ (Пирматов)
6.	Кон-металлургия комбинатлари фаолиятида фойдаланиладиган тоғ-кон техникаларининг йирик ўлчамдаги шиналарини қайта ишлаб, улар асосида майда ўлчамдаги юқори сифатли резина қистирмаси (прокладка) ишлаб чиқариш (прокладка) ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш.	<p>1. Тоғ-кон техникаларининг йирик ўлчамдаги шиналарини қайта ишлаб, улар асосида майда ўлчамдаги юқори сифатли резина қистирмаси (прокладка) ишлаб чиқаришни кон-металлургия корхоналарида жорий этиш имкониятларини ўрганиб чиқиш.</p> <p>2. Ўрганиш натижаларига кўра тажриба тарзида амалга ошириладиган лойиҳа бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p> <p>3. Тоғ-кон техникаларининг йирик ўлчамдаги шиналарини қайта ишлаб, улар асосида майда ўлчамдаги юқори сифатли резина қистирмаси (прокладка) ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш.</p>	<p>2022 йил октябрь</p> <p>2022 йил ноябрь</p> <p>2023 йил сентябрь</p>	<p>Талаб этилмайди</p> <p>Давлат экология кўмитасининг жамғармаси маблағлари</p> <p>Техник-иқтисодий асосашга асосан (корхоналарнинг ўз маблағлари)</p>	<p>Иқтисодий тараққиёт вазирлиги (Норқулов), Давлат экология кўмитаси (Обломуратов), “Навоий КМК” АЖ (Санақулов), “Олмалик КМК” АЖ (Хурсанов), Давлат экология кўмитаси (Обломуратов)</p> <p>“Навоий КМК” АЖ (Санақулов), “Навоийуран” ДК (Хасанов), “Олмалик КМК” АЖ (Хурсанов)</p>
7.	“Навоий КМК” ва “Олмалик КМК” акциядорлик жамиятлари ҳамда “Навоийуран” давлат корхонаси фаолияти давомида атроф муҳитга чиқариладиган ифлослантнувчи моддаларнинг ерга етказилган зарарини рекультивация қилиш	1. Комбинатлар томонидан атроф муҳитга чиқариладиган ифлослантнувчи моддаларнинг ерга етказилган зарарини таҳлил қилиш нуқталарини белгилаш.	2022 йил август-декабрь	Талаб этилмайди	Давлат экология кўмитаси (Обломуратов), “Навоий КМК” АЖ (Санақулов), “Навоийуран” ДК (Хасанов),

Т/р	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиявий манбаи	Масъул ижрочилар
	<p>бўйича инновацион ечимларни ишлаб чиқиш.</p>	<p>2. Таҳлил нуқталарида атроф муҳитга чиқариладиган ифлослантирувчи моддаларнинг ерга етказилган зарари юзасидан тадқиқот ишлари олиб бориш.</p> <p>3. Тадқиқот натижалари асосида комбинатларнинг атроф муҳитга чиқарилган ифлослантирувчи моддаларининг ерга етказилган зарарини келгусида камайтириш ва бартараф этиш бўйича илмий- инновацион ечимларни ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Комбинатлар томонидан атроф муҳитга чиқариладиган ифлослантирувчи моддаларнинг ерга етказилган зарарини келгусида рекультивация қилиш инновацион ечимларини ишлаб чиқариш жараёнига жорий этиш.</p>	<p>2022 йил декабрь - 2023 йил июнь</p> <p>2024 йил март</p> <p>2024-2030 йиллар</p>	<p>Давлат экология қўмитасининг жамғармаси маблағлари</p> <p>Техник-иқтисодий асослашга асосан (корхоналарнинг ўз маблағлари)</p>	<p>“Олмалиқ КМК” АЖ (Хурсанов)</p> <p>Давлат экология қўмитаси (Обломуратов)</p> <p>“Навоий КМК” АЖ (Санакулов), “Навоийуран” ДК (Хасанов), “Олмалиқ КМК” АЖ (Хурсанов)</p>
8.	<p>“Олмалиқ КМК” акциядорлик жамиятининг мис эритиш жараёнида ҳосил бўладиган газ таркибидаги чангларни ушлаб қолувчи аспирация тизимларини ҳамда электр чанг тозалаш ускуналарини реконструкция қилиш.</p>	<p>1. Мис эритиш жараёнида ҳосил бўладиган газ таркибидаги ифлослантирувчи моддаларни ушлаб қолувчи аспирация тизимларини ҳамда электр чанг-газ тозалаш ускуналарини реконструкция қилиш техник топшириғини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Техник топшириққа асосан реконструкция қилувчи ташкилотни белгилаш мақсадида белгиланган тартибда танлов ўтказиш.</p>	<p>2022 йил октябрь</p> <p>2022 йил ноябрь</p>	<p>Техник-иқтисодий асослашга асосан (корхонанинг ўз маблағлари)</p>	<p>“Олмалиқ КМК” АЖ (Хурсанов)</p>

Т/р	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Молиявий манбаи	Масъул ижрочилар
		<p>3. Танлов натижалари асосида мис эритиш жараёнида ҳосил бўладиган газ таркибидаги ифлослантирувчи моддаларни ушлаб қолувчи аспирация тизимларини ҳамда электр чанг-газ тозалаш ускуналарини реконструкция қилиш.</p> <p>4. Реконструкция қилинган электр чанг-газ тозалаш ускуналари самарадорлигини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш.</p>	2022 йил декабрь - 2023 йил июнь		
9.	<p>“Олмалик КМК” акциядорлик жамияти Мис эритиш заводининг қозонхоналарида ҳосил бўладиган газларни ушлаб қолиш ва сульфат кислотаси цехига йўналтириш.</p>	<p>1. Мис эритиш заводининг қозонхоналари конвертер бўлимини реконструкция қилиш техник топшириғини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Техник топшириққа асосан реконструкция қилувчи ташкилотни белгилаш мақсадида белгиланган тартибда танлов ўтказиш.</p> <p>3. Мис эритиш заводининг қозонхоналари конвертер бўлимини реконструкция қилиш ҳисобига Мис эритиш заводининг қозонхоналарида ҳосил бўладиган газларни ушлаб қолишни ва сульфат кислотаси цехига йўналтиришни ишлаб чиқаришда жорий этиш.</p>	<p>2022 йил декабрь</p> <p>2023 йил март</p> <p>2024 йил март</p>	Техник-иқтисодий асослашга асосан (корхонанинг ўз маблағлари)	“Олмалик КМК” АЖ (Хурсанов)
10.	<p>“Олмалик КМК” акциядорлик жамиятининг Мис эритиш заводида йиллик 1,8 млн тонна сульфат кислотаси ишлаб чиқариш қувватига эга цехни (СК- 5) қуриш.</p>	<p>1. Мис эритиш заводи негизида йиллик 1,8 млн тонна сульфат кислотаси ишлаб чиқариш қувватига эга цехни (СК-5) қуришнинг техник-иқтисодий асосланишини (бизнес режасини) ишлаб чиқиш.</p> <p>1. Техник-иқтисодий асослашга (бизнес режага) асосан пудрат ишларини бажарувчи</p>	<p>2022 йил декабрь</p> <p>2023 йил апрель</p>	Техник-иқтисодий асослашга асосан (корхонанинг ўз маблағлари)	“Олмалик КМК” АЖ (Хурсанов)

Т/р	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиявий манбаи	Масъул ижрочилар
		<p>ташкilotни белгиланган тартибда танлов ўтказиш натижаларига кўра белгилаш.</p> <p>2. Пудратчи ташкilot томонидан лойиҳа ишларини олиб бориш.</p> <p>3. Йиллик 1,8 млн тонна сульфат кислотаси ишлаб чиқариш қувватига эга қурилмаларни сотиб олишни бошлаш.</p> <p>4. Мис эритиш заводида йиллик 1,8 млн тонна сульфат кислотаси ишлаб чиқариш қувватига эга цехни (СК-5) ишга тушириш.</p>	<p>2023-2024 йиллар</p> <p>2023 йил август</p> <p>2025 йил сентябрь</p>		
11.	<p>“Олмалиқ КМК” акциядорлик жамиятининг Рух заводида йиллик 180 минг тонна олтингурурт икки оксидини қайта ишлаш қувватига эга янги сульфат кислотаси цехини (СК-6) қуриш.</p>	<p>1. Рух заводида олтингурурт икки оксидини қайта ишлашга мўлжалланган йиллик қуввати 180 минг тонна янги сульфат кислотаси цехини (СК-6) қуришнинг техник-иқтисодий асосланишини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Техник-иқтисодий асослашга (бизнес режага) асосан пудрат ишларини бажарувчи ташкilotни белгиланган тартибда танлов ўтказиш натижаларига кўра белгилаш.</p> <p>3. Пудратчи ташкilot томонидан қурилиш ишлари олиб борилиши.</p> <p>4. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 180 минг тонна сульфат кислота цехи қуриш учун зарур дастгоҳларни сотиб олишни бошлаш.</p>	<p>2023 йил январь</p> <p>2023 йил май</p> <p>2023 йил июнь-2024 йил сентябрь</p> <p>2024 йил январь</p>	<p>Техник-иқтисодий асослашга асосан (корхонанинг ўз маблағлари)</p>	<p>“Олмалиқ КМК” АЖ (Хурсанов)</p>

Т/р	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиявий манбаи	Масъул ижрочилар
		5. Рух заводида йиллик ишлаб чиқариш қуввати 180 минг тонна бўлган янги сульфат кислотаси цехини (СК-6) ишга тушириш.	2024 йил декабрь		
12.	“Олмалиқ КМК” акциядорлик жамиятининг Марказий таъмирлаш ва механика заводини металл қуйиш цехининг аспирация тизимларини тўлиқ янгилаш.	<p>1. Марказий таъмирлаш ва механика заводининг қуйиш цехини аспирация тизимини тўлиқ янгилаш юзасидан техник топшириқни ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Техник топшириққа асосан реконструкция қилувчи ташкилотни белгилаш мақсадида белгиланган тартибда танлов ўтказиш.</p> <p>3. Марказий таъмирлаш ва механика заводи металл қуйиш цехи аспирация тизимларини тўлиқ янгилаш.</p>	<p>2022 йил ноябрь</p> <p>2023 йил январь</p> <p>2023 йил сентябрь</p>	Техник-иқтисодий асослашга асосан (корхонанинг ўз маблағлари)	“Олмалиқ КМК” АЖ (Хурсанов)
13.	“Олмалиқ КМК” акциядорлик жамияти Мис эритиш заводининг сульфат кислотаси цехи ишқорли сувларни тозалаш иншоотларини тўлиқ таъмирлаш.	<p>1. Мис эритиш заводининг сульфат кислотаси цехи ишқорли сувларни тозалаш иншоотининг қуйка тиндиргичларини тўлиқ таъмирлаш режа-графикини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Тасдиқланган режа-графикка асосан 1-сон қуйка тиндиргични тўлиқ таъмирлаш.</p> <p>3. Тасдиқланган режа-графикка асосан 2-сон қуйка тиндиргични тўлиқ таъмирлаш.</p>	<p>2022 йил сентябрь</p> <p>2022 йил октябрь</p> <p>2023 йил январь</p>	Ҳисоб-китоблар асосида (корхонанинг ўз маблағлари)	“Олмалиқ КМК” АЖ (Хурсанов)
14.	“Олмалиқ КМК” акциядорлик жамиятининг Ангрен кон бошқармаси “Кўчбулок” ер ости (шахта) конининг маънан эскирган кимёвий сув тозалаш иншоотини янгилаш ҳисобига	1. Ангрен кон бошқармаси “Кўчбулок” ер ости (шахта) конининг кимёвий сув тозалаш иншоотини янгилаш техник топшириғини ишлаб чиқиш.	2022 йил сентябрь	Ҳисоб-китоблар асосида (корхонанинг ўз маблағлари)	“Олмалиқ КМК” АЖ (Хурсанов)

Т/р	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Молиявий манбаи	Масъул ижрочилар
	<p>рельефга тушувчи окова сувлар таркиби белгиланган меъёр кўрсаткичидан ошмаслигини таъминлаш.</p>	<p>2. Танлов эълон қилиш ва пудратчи ташкилотни белгилаб олиш.</p> <p>3. “Кўчбулок” кони янги кимёвий сув тозалаш иншоотини қуриш ва ишга тушириш.</p>	<p>2022 йил ноябрь</p> <p>2022 йил декабрь - 2023 йил сентябрь</p>		
15.	<p>“Олмалик КМК” акциядорлик жамиятининг Мис бойитиш фабрикалари чиқинди сақловчи ёрдамчи хўжаликларида ер ости сувларининг ифлосланиши ҳолатини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш.</p>	<p>1. Мис бойитиш фабрикаларининг чиқинди сақловчи ёрдамчи хўжаликларига туташ ҳудудлар ер ости сувларининг ифлосланиши ҳолатини ўрганиш мақсадида кузатув қудуқларини хатловдан ўтказиш.</p> <p>2. Кузатув натижалари асосида таҳлилий маълумотлар базасини яратиш.</p> <p>3. Таҳлилий маълумотлар асосида ер ости сувлари ифлосланиши даражасининг тизимли мониторингини юритиш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p>	<p>2022 йил ноябрь</p> <p>2022 йил декабрь</p> <p>2023-2030 йиллар</p>	<p>Ҳисоб-китоблар асосида (корхонанинг ўз маблағлари)</p>	<p>“Олмалик КМК” АЖ (Хурсанов)</p>
16.	<p>“Навоий КМК” акциядорлик жамияти фаолияти доирасида атроф муҳитга ифлослантувчи моддаларни ташлаш турғун манбаларига автоматлаштирилган назорат тизимини жорий этиш.</p>	<p>1. Комбинатнинг атмосферага салбий таъсир этувчи ва ифлослантувчи турғун манбаларни хатловдан ўтказиш ҳамда автоматлаштирилган назорат тизими ўрнатиладиган нуқталарни белгилаш.</p> <p>2. Автоматлаштирилган назорат тизимини етказиб берувчи ташкилотларга таклифлар юбориш.</p> <p>3. Автоматлаштирилган назорат тизими дастгоҳларини етказиб берувчи ва ўрнатиб берувчи ташкилотларнинг таклифларидан</p>	<p>2022 йил сентябрь</p> <p>2022 йил октябрь</p> <p>2022 йил ноябрь</p>	<p>Талаб этилмайди</p> <p>Талаб этилмайди</p> <p>Талаб этилмайди</p>	<p>“Навоий КМК” АЖ (Санақулов)</p> <p>“Навоий КМК” АЖ (Санақулов)</p> <p>“Навоий КМК” АЖ (Санақулов)</p>

Т/р	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиявий манбаи	Масъул ижрочилар
		<p>келиб чиқиб, белгиланган тартибда танлов ўтказиш ва етказиб берувчи ташкилот билан шартнома имзолаш.</p> <p>4. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалардан автоматлаштирилган тарзда намуналар олиш ва таҳлил қилиш станциясини ўрнатиш.</p> <p>5. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалардан автоматик намуналар олиш ва таҳлил қилиш станциясини фойдаланишга топшириш ҳамда ягона геоахборот маълумотлар базасига интеграция қилиш.</p>	<p>2023 йил май</p> <p>2023 йил июль</p>	<p>Ҳисоб-китоблар асосида (корхонанинг ўз маблағлари) Давлат экология қўмитасининг жамғармаси маблағлари, халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг грантлари, ҳомийлик хайриялари</p>	<p>“Навоий КМК” АЖ (Санақулов)</p> <p>Давлат экология қўмитаси (Обломуратов)</p>
17.	<p>“Навоий КМК” акциядорлик жамиятининг самарадорлиги паст бўлган сув тозалаш иншоотларини қайта таъмирлаш ва реконструкция қилиш.</p>	<p>1. Комбинатнинг самарадорлиги паст кимёвий сув тозалаш иншоотларини қайта таъмирлаш ва реконструкция қилиш техник топшириғини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Техник топшириққа асосан қайта таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишларини амалга оширувчи ташкилотни белгилаш бўйича белгиланган тартибда танлов ўтказиш.</p> <p>3. Самарадорлиги паст бўлган сув тозалаш иншоотларини қайта таъмирлаш ва реконструкция қилиш.</p>	<p>2022 йил декабрь</p> <p>2023 йил январь</p> <p>2023 йил январь-декабрь</p>	<p>Талаб этилмайди</p> <p>Талаб этилмайди</p> <p>Ҳисоб-китоблар асосида (корхонанинг ўз маблағлари)</p>	<p>“Навоий КМК” АЖ (Санақулов)</p>



Т/р	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Молиявий манбаи	Масъул ижрочилар
18.	“Навоий КМК” акциядорлик жамиятининг ер ости сувлари ифлосланиши ҳолатини тизимли мониторинг қилишни жорий этиш.	<p>1. Комбинатнинг чиқинди сақловчи ёрдамчи хўжаликларига туташ ҳудудлардаги ер ости сувларининг кузатув кудукларини хатловдан ўтказиш.</p> <p>2. Хатлов натижалари асосида таҳлилий маълумотлар базасини яратиш.</p> <p>3. Таҳлилий маълумотлар асосида ер ости сувлари ифлосланиши даражасининг тизимли мониторингини юритиш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p>	<p>2022 йил октябрь</p> <p>2022 йил ноябрь</p> <p>2022 йил декабрь</p>	Ҳисоб-китоблар асосида (корхонанинг ўз маблағлари)	“Навоий КМК” АЖ (Санакулов)
19.	“Навоий КМК” акциядорлик жамиятининг ер ости шахта оқова сувлари концентрациясини камайтириш ва ишлаб чиқариш мақсадлари учун фойдаланишни жорий этиш.	<p>1. Комбинатнинг ер ости шахта оқова сувлари концентрациясини камайтириш имкониятларини ўрганиб чиқиш ва келгусида ишлаб чиқариш мақсадлари учун фойдаланиш дастурини қабул қилиш.</p> <p>2. Дастур асосида ер ости шахта оқова сувлари концентрациясини камайтириш ва ишлаб чиқариш мақсадлари учун фойдаланиш чора-тадбирларини кўриш.</p> <p>3. Тозаланган сувларга чанг бостириш ва технологик жараёнларда қўллашни жорий этиш.</p>	<p>2022 йил декабрь</p> <p>2022 йил декабрь – 2023 йил октябрь</p> <p>2023 йил ноябрь</p>	Ҳисоб-китоблар асосида (корхонанинг ўз маблағлари)	“Навоий КМК” АЖ (Санакулов)
20.	“Навоийуран” давлат корхонаси геотехнологик конларида ер ости сувларининг ифлосланиши ҳолатини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш.	<p>1. “Навоийуран” давлат корхонасининг ишлаб чиқаришда мавжуд техник сув ҳамда кузатув кудукларини хатловдан ўтказиш.</p> <p>2. Хатлов натижалари асосида геотехнологик конлардаги ер ости сувлари ифлосланиш ҳолатининг тизимли</p>	<p>2022 йил октябрь</p> <p>2022 йил ноябрь</p>	Ҳисоб-китоблар асосида (корхонанинг ўз маблағлари)	“Навоийуран” ДК (Хасанов)

Т/р	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиявий манбаи	Масъул ижрочилар
		<p>мониторингини юритиш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>3. Дастурда белгиланган чора-тадбирлар ижросини сифатли ташкил этиш ва ер ости сувларининг ифлосланиши ҳолатини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш самарадорлигига эришиш.</p>	2023 йил март		
21.	<p>Кон-металлургия комбинатлари лабораториялари моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида замонавий назорат-ўлчов асбоб-ускуналари билан жиҳозланган мобил лабораториялар харид қилиш.</p>	<p>1. Замонавий назорат-ўлчов асбоб-ускуналари билан жиҳозланган мобил лабораторияларнинг хизмат кўрсатиш дислокациясини белгилаш.</p> <p>2. Дислокация асосида хизмат кўрсатиладиган объектлардаги иш ҳажмини белгилаш ва мобил лабораториялар фаолиятини самарали ташкил этиш дастурини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Замонавий назорат-ўлчов асбоб-ускуналари билан жиҳозланган мобил лабораторияларни белгиланган тартибда харид қилиш.</p> <p>4. Мобил лабораторияларнинг самарали фаолиятини йўлга қўйиш.</p>	<p>2022 йил декабрь</p> <p>2023 йил январь</p> <p>2023 йил июнь</p> <p>Доимий</p>	<p>Талаб этилмайди</p> <p>Талаб этилмайди</p> <p>Ҳисоб-китоблар асосида (корхонанинг ўз маблағлари)</p>	<p>Давлат экология қўмитаси (Обломуратов), “Навоий КМК” АЖ (Санакулов), “Навоийуран” ДК (Хасанов), “Олмалик КМК” АЖ (Хурсанов)</p>
<p><b>II. Кон-металлургия саноати корхоналарида илғор хориж тажрибадан келиб чиқиб экологик менежмент тизимини жорий этиш</b></p>					
22.	<p>Кон-металлургия саноати корхоналарида “O’z DSt ISO 14001:2019 – Экологик менежмент</p>	<p>1. Кон-металлургия саноати корхоналарида “O’z DSt ISO 14001:2019 – Экологик менежмент тизими. Фойдаланиш бўйича</p>	2022 йил октябрь	Талаб этилмайди	<p>“Навоий КМК” АЖ (Санакулов), “Навоийуран” ДК (Хасанов),</p>

Т/р	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиявий манбаи	Масъул ижрочилар
	<p>тизими. Фойдаланиш бўйича кўрсатма ва талаблар”ни жорий этиш.</p>	<p>кўрсатма ва талаблар”ни жорий этиш тармоқ жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Тармоқ жадвалига асосан кон-металлургия саноати корхоналари ходимлари малакасини оширишга доир амалий семинарлар ташкил этиш.</p> <p>3. Кон-металлургия саноати корхоналарида “O’z DSt ISO 14001:2019 – Экологик менежмент тизими. Фойдаланиш бўйича кўрсатма ва талаблар”ни жорий этиш.</p>	<p>2022 йил ноябрь – 2023 йил май</p> <p>2023 йил июнь</p>	<p>Ҳисоб-китоблар асосида (корхоналарнинг ўз маблағлари)</p>	<p>“Олмалик КМК” АЖ (Хурсанов), “Ўзметкомбинат” АЖ (Пирматов), Иқтисодий тараққиёт вазирлиги (Норкулов), Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (Сагтаров)</p>
23.	<p>Кон-металлургия саноати корхоналарида “O’z DSt ISO 14004:2019 – Экологик менежмент тизимлари. Жорий этиш бўйича умумий амал қилинадиган кўрсатма”ни жорий этиш.</p>	<p>1. Кон-металлургия саноати корхоналарида “O’z DSt ISO 14004:2019 – Экологик менежмент тизимлари. Жорий этиш бўйича умумий амал қиладиган кўрсатма”ни жорий этиш тармоқ жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Тармоқ жадвалига асосан кон-металлургия саноати корхоналари ходимлари малакасини ошириш бўйича амалий семинарлар ташкил этиш.</p> <p>3. Кон-металлургия саноати корхоналарида “O’z DSt ISO 14004:2019 – Экологик менежмент тизимлари. Жорий этиш бўйича умумий амал қилинадиган кўрсатма”ни жорий этиш.</p>	<p>2022 йил октябрь</p> <p>2022 йил ноябрь – 2023 йил май</p> <p>2023 йил июнь</p>	<p>Талаб этилмайди</p> <p>Ҳисоб-китоблар асосида (корхоналарнинг ўз маблағлари)</p>	<p>“Навоий КМК” АЖ (Санақулов), “Навоийуран” ДК (Хасанов), “Олмалик КМК” АЖ (Хурсанов), “Ўзметкомбинат” АЖ (Пирматов), Иқтисодий тараққиёт вазирлиги (Норкулов), Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (Сагтаров)</p>

Т/р	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиявий манбаи	Масъул ижрочилар
24.	<p>Кон-металлургия саноати корхоналарида “O’z DSt ISO 14005:2019 – Экологик менежмент тизимлари. Атроф мухитни баҳолаш натижаларини қўллаган ҳолда экологик менежмент тизимини босқичма-босқич амалга ошириш бўйича кўрсатмалар”ни жорий этиш.</p>	<p>1. Кон-металлургия саноати корхоналарида “O’z DSt ISO 14005:2019 – Экологик менежмент тизимлари. Атроф мухитни баҳолаш натижаларини қўллаган ҳолда экологик менежмент тизимини босқичма-босқич амалга ошириш бўйича кўрсатмалар”ни жорий этиш тармоқ жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Тармоқ жадвалига асосан кон-металлургия саноати корхоналари ходимлари малакасини ошириш бўйича амалий семинарлар ташкил этиш.</p> <p>3. Кон-металлургия саноати корхоналарида “O’z DSt ISO 14005:2019 – Экологик менежмент тизимлари. Атроф мухитни баҳолаш натижаларини қўллаган ҳолда экологик менежмент тизимини босқичма-босқич амалга ошириш бўйича кўрсатмалар”ни жорий этиш.</p>	<p>2022 йил октябрь</p> <p>2022 йил ноябрь – 2023 йил май</p> <p>2023 йил июнь</p>	<p>Талаб этилмайди</p> <p>Ҳисоб-китоблар асосида (корхоналарнинг ўз маблағлари)</p>	<p>“Навоий КМК” АЖ (Санақулов), “Навоийуран” ДК (Хасанов), “Олмалик КМК” АЖ (Хурсанов), “Ўзметкомбинат” АЖ (Пирматов), Иқтисодий тараққиёт вазирлиги (Норқулов), Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (Саттаров)</p>
25.	<p>Кон-металлургия саноати корхоналарида “O’z DSt ISO 14006:2019 – Экологик менежмент тизимлари. Лойиҳалашда экологик меъёрларни қўллаш бўйича кўрсатмалар” ни жорий этиш.</p>	<p>1. Кон-металлургия саноати корхоналарида “O’z DSt ISO 14006:2019 – Экологик менежмент тизимлари. Лойиҳалашда экологик меъёрларни қўллаш бўйича кўрсатмалар”ни жорий этиш тармоқ жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Тармоқ жадвалига асосан кон-металлургия саноати корхоналари ходимлари малакасини ошириш бўйича амалий семинарлар ташкил этиш.</p>	<p>2022 йил октябрь</p> <p>2022 йил ноябрь – 2023 йил май</p>	<p>Талаб этилмайди</p>	<p>“Навоий КМК” АЖ (Санақулов), “Навоийуран” ДК (Хасанов), “Олмалик КМК” АЖ (Хурсанов), “Ўзметкомбинат” АЖ (Пирматов), Иқтисодий тараққиёт вазирлиги</p>

Т/р	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Молиявий манбаи	Масъул ижрочилар
		3. Кон-металлургия саноати корхоналарида “O’z DSt ISO 14006:2019 – Экологик менежмент тизимлари. Лойиҳалашда экологик меъёрларни қўллаш бўйича кўрсатмалар”ни жорий этиш.	2023 йил июнь	Ҳисоб-китоблар асосида (корхоналарнинг ўз маблағлари)	(Норқулов), Техник жихатдан тартибга солиш агентлиги (Саттаров)
26.	Кон-металлургия саноати корхоналарида “O’z DSt ISO 14015:2019 – Экологик менежмент тизими. Участкалар ва ташкилотларни экологик жихатдан баҳолаш”ни жорий этиш.	1. Кон-металлургия саноати корхоналарида “O’z DSt ISO 14015:2019 – Экологик менежмент тизими. Участкалар ва ташкилотларни экологик жихатдан баҳолаш”ни жорий этиш тармоқ жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Тармоқ жадвалига асосан кон-металлургия саноати корхоналари ходимлари малакасини ошириш бўйича амалий семинарлар ташкил этиш. 3. Кон-металлургия саноати корхоналарида “O’z DSt ISO 14015:2019 – Экологик менежмент тизими. Участкалар ва ташкилотларни экологик жихатдан баҳолаш”ни жорий этиш.	2022 йил октябрь  2022 йил ноябрь – 2023 йил май  2023 йил июнь	Талаб этилмайди   Ҳисоб-китоблар асосида (корхоналарнинг ўз маблағлари)	“Навоий КМК” АЖ (Санақулов), “Навоийуран” ДК (Хасанов), “Олмалик КМК” АЖ (Хурсанов), “Ўзметкомбинат” АЖ (Пирматов), Иқтисодий тараққиёт вазирлиги (Норқулов), Техник жихатдан тартибга солиш агентлиги (Саттаров)
27.	Кон-металлургия саноати корхоналарида “O’z DSt ISO 14040:2016 – Экологик менежмент. Хаёт циклини баҳолаш принциплари ва тузилиш схемаси”ни жорий этиш.	1. Кон-металлургия саноати корхоналарида “O’z DSt ISO 14040:2016 – Экологик менежмент. Хаёт циклини баҳолаш принциплари ва тузилиш схемаси”ни жорий этиш тармоқ жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Тармоқ жадвалига асосан кон-металлургия саноати корхоналари	2022 йил октябрь  2022 йил	Талаб этилмайди	“Навоий КМК” АЖ (Санақулов), “Навоийуран” ДК (Хасанов), “Олмалик КМК” АЖ (Хурсанов), “Ўзметкомбинат” АЖ (Пирматов),

Т/р	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Молиявий манбаи	Масъул ижрочилар
		<p>ходимлари малакасини ошириш бўйича амалий семинарлар ташкил этиш.</p> <p>3. Кон-металлургия саноати корхоналарида “O’z DSt ISO 14040:2016 – Экологик менежмент. Хаёт циклини баҳолаш принциплари ва тузилиши схемаси”ни жорий этиш.</p>	<p>ноябрь – 2023 йил май</p> <p>2023 йил июнь</p>	<p>Ҳисоб-китоблар асосида (корхоналарнинг ўз маблағлари)</p>	<p>Иқтисодий тараққиёт вазирлиги (Норқулов), Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (Сагтаров)</p>
28.	<p>Кон-металлургия саноати корхоналарида “O’z DSt ISO 14050:2019 – Атроф муҳитни бошқариш менежменти. Луғати”дан фойдаланишни жорий этиш.</p>	<p>1. Кон-металлургия саноати корхоналарида “O’z DSt ISO 14050:2019 – Атроф муҳитни бошқариш менежменти. Луғати”дан фойдаланишни жорий этиш тармоқ жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Тармоқ жадвалига асосан кон-металлургия саноати корхоналари ходимлари малакасини ошириш бўйича амалий семинарлар ташкил этиш.</p> <p>3. Кон-металлургия саноати корхоналарида “O’z DSt ISO 14050:2019 – Атроф муҳитни бошқариш менежменти. Луғати”дан фойдаланишни жорий этиш.</p>	<p>2022 йил октябрь</p> <p>2022 йил ноябрь – 2023 йил май</p> <p>2023 йил июнь</p>	<p>Талаб этилмайди</p> <p>Ҳисоб-китоблар асосида (корхоналарнинг ўз маблағлари)</p>	<p>“Навоий КМК” АЖ (Санақулов), “Навоийуран” ДК (Хасанов), “Олмалик КМК” АЖ (Хурсанов), “Ўзметкомбинат” АЖ (Пирматов), Иқтисодий тараққиёт вазирлиги (Норқулов), Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (Сагтаров)</p>
29.	<p>Кон-металлургия саноати корхоналарида “O’z DSt ISO 14034:2019 – Экологик менежмент. Атроф муҳитни химоялаш</p>	<p>1. Кон-металлургия саноати корхоналарида “O’z DSt ISO 14034:2019 – Экологик менежмент. Атроф муҳитни химоялаш технологияларини верификациялаш”ни</p>	<p>2022 йил октябрь</p>	<p>Талаб этилмайди</p>	<p>“Навоий КМК” АЖ (Санақулов), “Навоийуран” ДК (Хасанов), “Олмалик КМК” АЖ</p>

Т/р	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиявий манбаи	Масъул ижрочилар
	технологияларини верификациялаш”ни жорий этиш.	<p>жорий этиш тармоқ жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Тармоқ жадвалига асосан кон-металлургия саноати корхоналари ходимлари малакасини ошириш бўйича амалий семинарлар ташкил этиш.</p> <p>3. Кон-металлургия саноати корхоналарида “O’z DSt ISO 14034:2019 – Экологик менежмент. Атроф муҳитни ҳимоялаш технологияларини верификациялаш”ни жорий этиш.</p>	<p>2022 йил ноябрь – 2023 йил май</p> <p>2023 йил июнь</p>	<p>Ҳисоб-китоблар асосида (корхоналарнинг ўз маблағлари)</p>	<p>(Хурсанов), “Ўзметкомбинат” АЖ (Пирматов), Иқтисодий тараққиёт вазирлиги (Норкулов), Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (Сагтаров)</p>
30.	<p>Кон-металлургия саноати корхоналарида “O’z DSt ISO 14044:2019 – Экологик менежмент. Ҳаёт циклини баҳолаш. Талаблар ва тавсиялар” асосида ишлашни жорий этиш.</p>	<p>1. Кон-металлургия саноати корхоналарида “O’z DSt ISO 14044:2019 – Экологик менежмент. Ҳаёт циклини баҳолаш. Талаблар ва тавсиялар” асосида ишлашни жорий этиш тармоқ жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Тармоқ жадвалига асосан кон-металлургия саноати корхоналари ходимлари малакасини ошириш бўйича амалий семинарлар ташкил этиш.</p> <p>3. Кон-металлургия саноати корхоналарида “O’z DSt ISO 14044:2019 – Экологик менежмент. Ҳаёт циклини баҳолаш. Талаблар ва тавсиялар” асосида ишлашни жорий этиш.</p>	<p>2022 йил октябрь</p> <p>2022 йил ноябрь – 2023 йил май</p> <p>2023 йил июнь</p>	<p>Талаб этилмайди</p> <p>Ҳисоб-китоблар асосида (корхоналарнинг ўз маблағлари)</p>	<p>“Навоий КМК” АЖ (Санакулов), “Навоийуран” ДК (Хасанов), “Олмалик КМК” АЖ (Хурсанов), “Ўзметкомбинат” АЖ (Пирматов), Иқтисодий тараққиёт вазирлиги (Норкулов), Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (Сагтаров)</p>

Т/р	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиявий манбаи	Масъул ижрочилар
31.	Кон-металлургия саноати корхоналарида “O’z DSt 3135:2017 – Кимёвий моддаларнинг сувдаги максимал рухсат этилган концентрациялари. Ишлаб чиқиш ва илмий асосланиши” асосида ишлашни жорий этиш.	<p>1. Кон-металлургия саноати корхоналарида “O’z DSt 3135:2017 – Кимёвий моддаларнинг сувдаги максимал рухсат этилган концентрациялари. Ишлаб чиқиш ва илмий асосланиши” асосида ишлашни жорий этиш тармоқ жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Тармоқ жадвалига асосан кон-металлургия саноати корхоналари ходимлари малакасини ошириш бўйича амалий семинарлар ташкил этиш.</p> <p>3. Кон-металлургия саноати корхоналарида “O’z DSt 3135:2017 – Кимёвий моддаларнинг сувдаги максимал рухсат этилган концентрациялари. Ишлаб чиқиш ва илмий асосланиши” асосида ишлашни жорий этиш.</p>	<p>2022 йил октябрь</p> <p>2022 йил ноябрь – 2023 йил май</p> <p>2023 йил июнь</p>	<p>Талаб этилмайди</p> <p>Ҳисоб-китоблар асосида (корхоналарнинг ўз маблағлари)</p>	<p>“Навоий КМК” АЖ (Санакулов), “Навоийуран” ДК (Хасанов), “Олмалиқ КМК” АЖ (Хурсанов), “Ўзметкомбинат” АЖ (Пирматов), Иқтисодий тараққиёт вазирлиги (Норкулов), Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (Саттаров)</p>
32.	Кон-металлургия саноати корхоналарида “O’z DSt ISO 14041:2019 – Экологик менежмент. Ҳаёт циклини баҳолаш. мақсад, тадқиқот майдони ва инвентаризация таҳлили” асосида ишлашни жорий этиш.	<p>1. Кон-металлургия саноати корхоналарида “O’z DSt ISO 14041:2019 – Экологик менежмент. Ҳаёт циклини баҳолаш. мақсад, тадқиқот майдони ва инвентаризация таҳлили” асосида ишлашни жорий этиш тармоқ жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Тармоқ жадвалига асосан кон-металлургия саноати корхоналари ходимлари малакасини ошириш бўйича амалий семинарлар ташкил этиш.</p> <p>3. Кон-металлургия саноати корхоналарида “O’z DSt ISO 14041:2019 – Экологик</p>	<p>2022 йил октябрь</p> <p>2022 йил ноябрь – 2023 йил май</p> <p>2023 йил июнь</p>	<p>Талаб этилмайди</p> <p>Ҳисоб-китоблар асосида</p>	<p>“Навоий КМК” АЖ (Санакулов), “Навоийуран” ДК (Хасанов), “Олмалиқ КМК” АЖ (Хурсанов), “Ўзметкомбинат” АЖ (Пирматов), Иқтисодий тараққиёт вазирлиги (Норкулов), Техник жиҳатдан тартибга солиш</p>



Т/р	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиявий манбаи	Масъул ижрочилар
		менежмент. Ҳаёт циклини баҳолаш. мақсад, тадқиқот майдони ва инвентаризация таҳлили” асосида ишлашни жорий этиш.		(корхоналарнинг ўз маблағлари)	агентлиги (Сагтаров)

